

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

GULISTON DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI



**TA’LIM TRANSFORMATSIYASI SHAROITIDA TILLARNI
O‘QITISHNING MUAMMOLARI VA ISTIQBOLLARI**

xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to‘plami

2024-yil 17-may

**Сборник материалов международной научно-практической
конференции**

**ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ ПРЕПОДАВАНИЯ ЯЗЫКОВ
В УСЛОВИЯХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ТРАНСФОРМАЦИИ**

17 мая 2024 года

Collection of materials of the international scientific and practical conference

**PROBLEMS AND PROSPECTS OF LANGUAGE TEACHING IN THE
CONTEXT OF EDUCATIONAL TRANSFORMATION**

May 17, 2024

Guliston – 2024

6. Hymes D. On Communicative Competence/D. Hymes; eds. I.B. Pride, J. Holmes // Sociolinguistics. – USA: Penguin Books Ltd, 1972. Ch.18. – P. 269-293.
7. Van Lier Leo. The ecology and semiotics of Language Learning: A socio cultural Perspective/Leo Van Lier. – USA: Springer book series, 2000. – P. 253.
8. Хамдамов У. Э., & Хидирбаев Ш. Е. Место самостоятельной работы студентов в учебном процессе. – М.: Молодой ученый, 2014. (11). – P. 426-427.
9. Xidirbaev S. H. Different approaches to teaching foreign language students in non-linguistic higher education institutions. 2022.
10. Xidirbaev S. & Abdurahmanov D. Theoretical and methodical aspects of the organization of students' independent study activities together with the use of ICT and tools. TJSS-Tematics Journal of Social Sciences. 2021. 7 (2).
11. Yusufaliyeva G. A., Abduraxmonova N. N., Turabekova A. M. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida kreativ qobiliyatlarni rivojlantirishda o'qituvchining roli. Academic research in educational sciences. 2021. 2 (4). – P. 1506-1513.
12. Yusufaliyeva G. Technology in increasing the effectiveness of the integrated lesson in primary education. Modern Science and Research. 2023. 2(12). – P. 761-763.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНТЕРАКТИВ МЕТОДЛАРДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Нурматова Саодат Баходировна, ўқитувчи, Сирдарё педагогика коллежи

Аннотация. Мақолада мактабгача таълим муассасаларида тарбиячилар томонидан педагогик жараённи ташкил этишда интерактив методлардан фойдаланишнинг самарали усуллари кўрсатилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: машғулот, таълим, тадқиқот, инновация, интерактив, рефлексия, энержайзер.

Сўнгги йиллардаги таълим-тарбия мазмуни, шакли, восита ва методларини янгилашга эътибор бериш, мактабгача таълимга оид инновацияларни излаш, уни таълим-тарбия жараёнига, тарбиячиларнинг педагогик фаолиятига киритиб боришда малака ошириш тизимининг аҳамияти каттадир. Айниқса, педагогик жараёнга илғор педагогик технологияларни татбиқ этиш, инновацияларни жорий этиш, ўқитувчи ва тарбиячиларни замонавий усуллардан фойдаланиш, кўникма ва малакалари билан қуроллантириш малака ошириш тизими олдида қўйилган вазифалар замирида амалга оширилмоқда. Педагогика йўналишида татбиқ қилиниши лозим бўлган муҳим масала борки, у ҳам бўлса тарбиячиларнинг педагогик жараённи замонавий усуллар асосида мақсадли, тизимли ва натижаларни башорат қила олиш орқали методик жиҳатдан тўғри ташкил этишларини таъминлашдир. Интерфаол усуллар ҳозирги кунда таълим ислоҳотларидаги устувор жиҳати ва педагогик муаммоларни ҳал этишдаги роли, таълим

самарадорлигини таъминловчи муҳим омиллардан эканлигини эътироф этиш жоиздир. Педагогик технология назариясининг муҳим жиҳати ҳар бир педагогнинг ўз имконияти даражасида, шунингдек, турли ёшдаги таълим олувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, ўқув фаоллигини ошириш мақсадида таълим жараёнида интерфаол методлардан самарали фойдалана олиш билан белгиланади. Ҳозирги вақтда дунё психологлари таъкидлаганидек, «индиго» болалар дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни катталарданда тез сезмоқдалар. Шунинг учун бугунги кун тарбиячилари олдида бир қатор долзарб вазифалар турибди. Шулардан бири таълим жараёнида интерактив усуллардан фойдаланишдир. «МТМ тарбиячилари қайси интерактив усул лардан қандай фойдалана олади?» деган ҳақли савол туғилади. «...Педагог болаларимизга замонавий билим берсин деб талаб қиламиз. Аммо замонавий билим бериш учун, аввало, мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак».

Тарбиячиларни интерактив усуллардан оқилона, мақсад ва шароитга мувофиқ тарзда дидактик тамойилларга асосланган ҳолда фойдаланишга ўргатиш бугунги кунда замонавий педагогиканинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. МТМ тарбиячилари ўз фаолиятларига замонавий усулларни мактабгача таълимга оид илмий мақолалар, рисоалар, маҳаллий илғор тажрибаларни ўрганиш орқали татбиқ этиб келмоқдалар. Баъзан, интерактив усулларнинг моҳияти ва мақсадини тўлиқ англамаган ҳолда қўлламоқдалар. Шунинг учун малака ошириш жараёнининг ўзида интерактив ўқув муҳити яратилиб, тарбиячилар унинг бевосита иштирокчисига айлансалар, яъни ҳар бир интерфаол усулни бевосита ўзларидан ўтказиб ўзлаштирсалар, ушбу усулларни мактабгача таълимга мослаштириб, амалиётга татбиқ этишлари шунчалик осон ва қулай кечади. Мактабгача таълим муассасаларида интерактив усуллардан «Ақлий ҳужум», «Ролли ўйин», «Кичик гуруҳларда ишлаш», «Баҳс-мунозара», «Галереяга сайр», «Кластер», «Бумеранг», «Энержайзерлар»дан фойдаланиш мумкин. Тарбиячи машғулот ўтказиш жараёнида машғулотнинг боши ва охирида мавзу юзасидан болаларнинг тушунчаларини аниқлаш ҳамда олган билимларини мустаҳкамлаш учун ақлий ҳужум усулидан фойдаланиши мақсадга мувофиқ. «Кичик гуруҳларда ишлаш» болаларнинг ўзаро мулоқот ва фикр алмашувига асосланади. Бунда гуруҳда таҳлил қилиш, текшириш асосида берилган мавзу ишлаб чиқилади. «Ролли ўйинлар»да болаларга бирор муаммо Ҳозирги кунда педагогик технология ҳақидаги аниқ тушунча ва тасаввурлар бор бўлсада, мактабгача таълим муассасалари педагогларида технологияни методикадан фарқлай олмаслик каби муаммолар учрайди. Ваҳоланки, улар орасида жиддий фарқлар мавжуд бўлиб, қуйида улар ҳақида назарий маълумотлар берилган. Педагогик технология – болани мустақил ижод қилиш, билим олиш, фикрлашга ўргатишни кафолатлайдиган жараёндир. Методика – педагогнинг билими, кўникмаси, маҳорати, шахсий сифатлари, темпераментига боғлиқ бўлиб, маълум шахс, педагог учун қулай бўлган ўқитиш усуллари ва йўллари мажмуидир. У алоҳида методикаларга ажратилади. Педагогика фани маълум ўқув фанларини ўқитиш

қонуниятларини тадқиқ қилади. Масалан, тиллар методикаси, арифметика методикаси ва шу қабилар. Методиканинг педагогик технологиядан фарқини тушуниш ва амалда ҳар иккисидан унумли фойдалана билиш талаб этилади.

«Педагогик технология» тушунчаси хусусий фанлар ва маҳаллий даражалардаги ўқитиш методикалари тушунчаси билан мос келадиган ҳоллар хусусий даражадаги педагогик технологияларга тегишли. Технологияларда кўпроқ процессуал, миқдорий ва ҳисоб-китоб компонентлари ифодаланса, методикаларда мақсад, мазмун, сифат ва вариантли йўналтирувчи томонлари кўпроқ ифодаланади. Технология методикалардан ўзининг қайта тикланувчанлиги, натижаларининг турғунлиги, кўплаб «агар»лар (агар тарбиячи истейдодли, агар болалар қобилиятли бўлса, агар яхши ота-оналар бўлса...) йўқлиги билан фарқ қилади. Яъни, технология тегишли тайёргарликка эга бўлган ҳамма мутахассислар томонидан қайта тиклаш ва қўллаш мумкинлиги билан жуда ҳам индивидуал бўлган методдан фарқ қилади. Метод – бирор ҳаракатни амалга ошириш йўли, усули ёки кўриниши. Педагогик технология ўқув жараёни (яъни, тарбиячининг боланинг фаолияти билан), унинг таркиби, воситалари, усуллари ва шакллари билан энг кўп даражада боғланган. Педагогик технология давлат талабларини тўла ўзлаштириш, сифат даражасининг кафолатидир. Педагогик технология ўқув жараёнининг шундай лойиҳасики, у бир киши ёки бирор ижодий гуруҳ томонидан ишлаб чиқилади, ундан барча тарбиячилар фойдалана оладилар. Болага билимлар тайёр ҳолда берилмайди, у келгусида билимларни манбалардан мустақил ола билиш, фикрлай олиш, мустақил позицияда тура олишга ўргатилади. Барча болаларни ўз қобилиятлари эҳтиёжлари даражасида албатта ўзлаштириб олишлари кафолатланади. Юқорида келтирилган интерактив усуллар ва методлардан фойдаланиш мактабгача таълим сифати ва самарадорлигига эришишда муҳим аҳамият касб этади. Узлуксиз таълим тизимининг дастлабки босқичи бўлган ва унинг пойдеворини ташкил қилувчи мактабгача таълим ҳозирги кунда таълим сифати ва самарадорлигини белгилашда асосий ўрин эгаллайди.

Шу сабабли мактабгача таълим замонавий талаблар асосида бўлиши жиддий аҳамиятга эга. Демак, малака ошириш курсларида тингловчиларни ўқитишда таълим жараёнида тарбия чининг машғулотга тайёргарлик модулини қўллаш усуллари билан таништириш муҳим аҳамият касб этади. Айтиш жоизки, ҳар бир машғулот аввалида тарбиячи «бугунги педагогик вақтда болаларга нималарни ўргата оламан?» деган саволни ўз олдига қўйиши ва аниқ мақсадни белгилаб олиши зарур. Шунинг учун ҳар бир тарбиячи тайёргарлик модулини яратишида педагогик вазият учун кетадиган тахминий вақтни аниқ белгилаши лозим. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, интерактив усулларни қўллаб тайёрлов гуруҳида тажриба-тадқиқот машғулотининг тарбиячи томонидан тайёргарлик модули ва машғулот ишланмасидан намуна келтирамиз (2-жадвал). Мавзу: Ҳаво билан таништириш. Машғулотнинг бориши: Тарбиячи: Болалар бугун мен сизларга тадқиқот билан шуғулланадиган олимлар ролини бажариш имкониятини бераман. Ҳозир мен сизларга бир топишмоқни айтаман. Топишмоқнинг

жавобини топсангиз, тадқиқот нима билан ўтказилишини билиб оласиз. Болалар: Ҳаво. Тарбиячи: Айтинг-чи, атрофимиздаги ҳавони кўрамизми? Болалар Йўқ, кўрмаймиз. Тарбиячи: Болалар ҳавони кўриш учун биз лабораторияга борамиз (болалар оқ фартукни тақиб стол атрофига турадилар). Ҳавони билиш учун уни тутишимиз керак. Тажриба

1. «Кўринмасни тут». Тарбиячи: Ҳаммангиз стол устидаги полиэтилен халтани кўлингизга олинг, унда нима бор? Болалар: У бўш Интерактив методлар:

- Танишув, «Музёра» ўйин.
- Давра суҳбати.
- Ақлий ҳужум.
- Ролли ўйинлар.
- Кичик гуруҳларда ишлаш.
- Жуфтликда ишлаш.
- Баҳс-мунозара.
- Галереяга сайр.
- Энержайзерлар.

Ушбу интерфаол усуллардан фойдаланган ҳолда турли қизиқарли машғулотларни ташкил қилиш ва ўтказиш болаларнинг таълим олишга бўлган қизиқишларини ошириб, ижодий қобилиятларини ривожлантиради, интерфаол усулларни амалда қўллаш натижасида болалар бу усулларни ўзидан ўтказиб, кўпроқ амалий билим ва кўникмаларни эгаллайдилар. Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиб қуйидагиларни айтиш жоиз:

- мактабгача ёшдаги болалар қизиқувчан, ҳаракатчан, ташаббускор, эркин фикрловчи, кузатувчан, соғлом бўлиши керак. Ҳозирда ҳар бир бола эркин ижод қилиши ва ўзининг қобилиятини кўрсата олиш ҳуқуқига эга. Ноанъанавий машғулотларда илғор педагогик технологияларга асосланган ҳолда меҳр билан болаларга иқтидорини намоён қилишига шароит яратиб беришимиз зарур. Тарбиячиларнинг ўтаётган машғулотлари замон талаблари асосида бўлибгина қолмасдан, тарбияланувчининг ўзи ҳам бу машғулотдан завқ олсин;

- мактабгача таълим муассасаларида мактабга тайёрлашда болаларни ҳар томонлама фаоллаштирувчи усуллар-интерактив методлардан фойдаланиш зарурдир, чунки илғор педагогик технологиялар, ноанъанавий усуллар билан таълим-тарбия бериш ҳозирги даврда жуда яхши самара беради, таълим сифатини оширади;

- мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари методика ва педагогик технологияларни бир-биридан ажратишда қийналади ва хатоликларга йўл қўяди. Шунинг учун ушбу мақолада уларнинг бир-биридан фарқли жиҳатлари кўрсатиб ўтилди;

- мақолада мактабгача таълим муассасаларида тарбиячилар белгиланган педагогик вазият учун кетадиган тахминий вақтни аниқ белгилаб олишлари, машғулотни интерфаол усуллардан фойдаланиб, технологик харита асосида кетма-кетликни тўғри белгилашлари даркорлиги кўрсатиб ўтилди. Тарбиячи томонидан қўлланиладиган интерактив усуллар болаларнинг қизиқиши ва

эҳтиёжларини қондирадиган даражада ташкил этилиши мактабгача таълимнинг сифатини оширувчи муҳим омил ҳисобланади.

Адабиётлар

1. Баркамол авлод орзуси. Тўплам. Тузувчилар Ш. Қуронов, Ҳ. Саидов, Р. Аҳлиддинов. – Т.: Шарқ, 1999.

2. Рамакаева Е. Одаренные и дети индиго: как их распознать // «Бошланғич таълим», 2016, 3-сон.

3. «Ўзбекистонда мактабгача таълим тизимини модернизациялаштириш – юсак маънавиятли келажак авлодни тарбиялаш негизидир» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Т., 2009.

4. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. Амалий тавсиялар. – Т.: Истеъдод, 2008.

5. Йўлдошев Ж., Усмонов С. Замонавий педагогик технологияларни амалиётга жорий қилиш. – Т.: Фан ва техника, 2008.

МАКТАБГАЧА ТА’ЛИМ YOSHIDAGI BOLALARNI MUVAFFAQIYATLI QILIB RIVOJLANTIRISHDA KITOBLARNING O‘RNI

Tadjibayeva Xolidaxon Muzafarovna, o‘qituvchi, Sirdaryo pedagogika kolleji
xoli_13@mail.ru

Annotatsiya. ushbu maqolada bolalarni muvaffaqiyatli qilib rivojlantirishda kitoblarning o‘rni haqida ma’lumotlar berilgan. Bolalarni yoshligidan kitobga muhabbatli shaxs qilib tarbiyalashimiz kerak. Shundagina bizning mamlakatimizdan ham jahonga mashhur buyuk shaxslar, Alisher Navoiy, Bobur, Ibn Sino, al-Beruniy, al-Xorazmiy ajdodlarimizga mos avlodlarni yetishtiramiz.

Kalit so‘zlar: maktabgacha ta’lim, bolaning muvaffaqiyati, kitoblarning o‘rni, kutubxona, so‘z boyligi, tadqiqotlar.

Kirish. Hozirgi kunda mamlakatimizda maktabgacha ta’lim tizimini yuksaltirish, respublikamizdagi maktabgacha ta’lim tashkilotlarining moddiy-texnik bazasini mustahkamlash, ularni mohir tarbiyachi va pedagoglar bilan ta’minlash va bolalarnimaktabga sifatli tayyorlash masalasiga alohida e’tibor qaratilmoqda.

Yurtboshimiz Sh. Mirziyoyev so‘nggi yillarda sohaga katta e’tibor qaratmoqdalar. Undan tashqari yosh avlodni yanada bilimli va yetukli qilib tarbiyalashda kitoblar ularning hayotida juda ahamiyatga egaligini doimo ta’kidlaydilar. “Kitob o‘qigan, o‘zini ustida ishlagan odamda qanot bo‘ladi. U befarq bo‘lmaydi. Uning kuchi bilimida bo‘ladi. Shuning uchun hech kimni pisand qilmaydi. “Kattalar”ga xushomad qilmaydi. Uning bilimi bor, ilmi bor. Mana nima uchun kitob o‘qinglar deymiz. Kitob o‘qisangiz savol berishni bilasiz”, degan edilar.

Maktabgacha ta’lim tizimini takomillashtirishning asosiy yo‘nalishlaridan biri bolaning xususiyatlari, imkoniyatlari, layoqati va qobiliyatini e’tiborga olgan holda